Куч — адолатда

2010 йил,
5 август,
пайшанба
№ 31 (285)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Farmon va ijro

Истиқлол йилларида мамлакатимиз юксак довонлардан ошди. Нафақат иқтисодиёт, балки сиёсат ва ижтимоий ҳаётда мисли кўрилмаган ўзгариш ва янгиланиш жараёни юз кўрсатди. Бу кўп миллатли, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизнинг азму шижоати туфайлидир.

Яшаш ҳуқуқи — дахлсиздир

миллий қонунчилигимизда бу тамойил ўзининг аниқ ифодасини топган

Юртимизда ҳуқуқий демократик давлатнинг барпо этиш жараёни миллий давлатчилигимизнинг тарихи ва халқимиз менталитети билан узвий боғлиқ. Бошқача айтганда, ёш, аммо тарихий илдизлари бақувват бўлган давлатимизда ёруғ келажакни кўзлаб изчиллик билан босқичма-босқич тарзда олиб борилаётган ислоҳотлар дунёда «ўзбек модели» сифатида эътирофга сазовор бўлди.

Жамият ҳаётида рўй берган туб бурилиш ва янгиланишлар орасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга давлат сиёсатининг алоҳида йўналиши сифатида қаралгани эътиборга молик. Чунки жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнини суд-ҳуқуқ тизимисиз тасаввур этиш жуда мушкул. Зеро, шу йилнинг 27 январь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида Президентимиз таъкидлаганидек, «агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз».

(Давоми учинчи бетда)

ЭЗГУ НИЯТ ЮКСАК САМАРА БЕРАДИ

мустақиллик йилларида бу ҳақиқат ўз исботини топди

Мустақиллик — халқимизнинг асрий орзуси, кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритган буюк тарихий ютуғи, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон учун эркинлик ва озодлик тимсоли, энг улуғ ва энг азиз айёмдир.

Шунингдек, мустақиллик энг биринчи навбатда, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидир. У ҳар бир халқнинг, миллатнинг, ҳар бир фуқаронинг ўз истеъдодини намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга кенг йўл очади. Миллий ғурурни, миллий тафаккурни уйғотадиган, халқни халқ, миллатни миллат қиладиган энг кучли омил — мустақилликдир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **"Мустақиллик тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, бунёдкор халқимизнинг кучқудратидан, Ўзбекистон аталмиш бетакрор ва саховатли заминнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш учун, муқаддас Ватанимизга бутун борлиғимизни бахш этиш учун, миллатимиз ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши учун шарт-шароит яратгани билан азиздир".**

Мустақиллик — халқимизнинг иродаси, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ва қўшаётган бетакрор ҳиссасининг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши воситаси ҳамдир. Мустақиллик бизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга, юртимиз шоншуҳратини дунёга ёйишга имконият яратиб берди.

Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий, маънавий-маф-куравий ва халқаро ҳуқуқий асосларининг яратилиши мустақил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Булар қуйидагилардир: Ҳуқуқий асослар — инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик тизими барпо этилди. Ташкилий асослар — инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Маънавий-мафкуравий асослар — инсон ҳуқуқлари бўйича таълим тизими шакланди.

(Давоми иккинчи бетда)

Ушбу сонда:

Шахсий мулк унга тажовуз қилиш жавобгарликка олиб келади 2

Гаров нега қўйилади? 3

Гиёҳвандлик — аср вабоси 3

Saboq

Юртимизнинг иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган тадбиркорлар сони кундан-кун ортиб бормоқда. Зотан, мамлакатимизда тадбиркорликнинг изчил ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Муваффақият гарови

қонунга тўлиқ амал қилишдадир

Бироқ бу имкониятлардан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Айримларнинг зиммасидаги масъулиятга панжа орасидан қараши қонунбузилишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатларни бартараф этишда давлатимиз раҳбарининг **«Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **«Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир. Ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар жараёнида қонунбузилишига йўл қўяётган кимсаларга тегишли чоралар қўрилмоқда.

Нодир Комиловни ҳам шундайлар тоифасидан, десак янглишмаймиз. У 2008 йил пойтахтнинг Чилонзор туманида «Maroqand Grand Trade» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этади. Унинг асосий иш фаолияти — қурилиш моллари, сантехника ва электр маҳсулотлари улгуржи савдосини амалга оширишдан иборат эди. Шу мақсадда корхонага турли ташкилотлардан 80.762.488 сўмлик маҳсулот пул ўтказиш йўли билан сотиб олинди. Энди Нодир бу товарларни сотиб, корхона ҳисоб рақамига киритиш қилиши керак эди.

Ҳамма сарф-харажатларни хомчўт қилиб чиққанидан сўнг Нодирга тезда бойиб кетиш фикри тинчлик бермай қўйди. «Бу маҳсулотларни бозорларда нақд пулга сотиб юборсам-чи?! Ким билиб ўтирибди, бунинг устига бирпасда бойиб кетаман», — деган ўйда у бозор томон отланди. Бозор нархлари билан ҳам танишиб чиқди. Маҳсулотдан тушадиган даромад тузуккина. «Фойданинг бир қисмини банкка топшириб, ҳужжатлаштириб қўяверамман-да», деб ўйлади у. Шу тариқа товарларни бозордаги дўконларда соттирди. Лекин қўлига тушган мўмайгина маблағни кўриб, унинг яна фикри бузилди...

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Қонунчилигимизда жорий этилган ярашув институти билиб-билмай тўғри йўлдан адашган кишилар учун хатосини тўғрилашга имкон беради. Муҳими, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада яхшилашга йўл очади. Бу халқимизга хос кечиримлилик ва бағрикенглик фазилатларига тўлиқ ҳамоҳангдир.

Кўпни кўрган кексаларимиз ҳам доимо муросаи мадорани маъқуллайдилар. Кишиларни, айниқса, ёшларни бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишга чақиради.

Бағрикенглик тамойили

ундан кўнгиллар равшан тортади

Зеро, меҳр-оқибат ришталари одамларни яхшиликка етакласа, гина-кудурат, адоват икки ўртага совуқчилик солади.

Аммо ҳаётда бундай ҳикматларнинг моҳиятини чуқур англаб етмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Улар нафақат дилга озор бериш, балки ўзгага тан жароҳати етказишдан ҳам тоймайди. Бундай вазиятда, албатта, айбдор жазосиз қолмайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy savodxonlik sari

Бош қомусимизда белгиланган қоидаларга мувофиқ, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Ўз навбатида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ёрдамга муҳтож ўз ота-оналарига таъминот бериши ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-оналик масъулияти ва фарзандлик бурчи

Шу билан бирга, айтиш керакки, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

Дарҳақиқат, умуминсоний қадриятларга асосланган ҳамда инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган ушбу конституциявий қоидалар замирида давлат ва жамиятнинг соғлом авлодни шакллантириш, фарзандлар таъминоти, уларнинг тарбияси ва камол топиши масалаларига нечоғлик катта эътиборидан далолатдир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик тараққиёти

зиммадаги вазифани ҳалоллик билан адо этишни талаб қилади

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатишига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, шу жумладан, адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда адлия идоралари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг аниқ самарасини бераётир.

Кези келганда яна шуни таъкидлаш ўринлики, Вазирлар Маҳкамасининг **"Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"**ги қарорига кўра, бир қатор давлат идораларига, шу жумладан, адлия идоралари зиммасига қонун ҳужжатларининг тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорига асосан, адлия идоралари давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти идоралари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиниши мониторингини олиб боради.

(Давоми иккинчи бетда)

Jinoyatga jazo muqarrar

Бурч ва масъулият

уни ўз вақтида адо этиш ҳам фарз, ҳам қарз

Маълумки, дунёнинг барча мамлакатларида давлат бюджетининг асосини солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан тушган тушумлар ташкил этади. Ўз навбатида ушбу тушумларнинг асосий қисми аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилади.

Жумладан, мамлакатимизда ҳам давлат бюджети фуқароларнинг турмуш тарзини фаровонлаштиришга, аҳолининг бепул таълим олиши, бепул даволаниши каби савобли ишларга йўналтирилади. Соддароқ айтганда, сиз-у биз солиқ сифатида тўлаётган ҳар бир сўм ана шундай эзгу мақсадлар йўлида сарфланади. Бу ҳар бир фуқаро ўзининг давлат олдидаги бурчини бажарса, яъни солиқларни белгиланган муддатда тўлаб борса, ана шу эзгу ва хайрли ишларга ҳисса қўшади, деганидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик тараққиёти

зиммадаги вазифани ҳалоллик билан адо этишни талаб қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳақиқатан ҳам, амалга оширилаётган қатор ишлар тадбиркорларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг фаолиятини янада кенгайтириш, пировардида миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга ўтказилаётган ўрганишлар давомида тадбиркорлик субъектларига ҳисоб рақами очиш, уларга тегишли савдо объектларига архитектура режалаштириш топшириғини тайёрлаб бериш ҳамда рўйхатдан ўтказиш жараёнида ноқонуний равишда ортиқча пул маблағлари олиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят миқёсида 107 та қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилган. Уларнинг 89 таси ортиқча пул маблағи ундириш, 18 таси шартномада ортиқча пул маблағи кўрсатишдан иборат.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги қарорига биноан, тадбиркорлик субъектларидан рўйхатдан ўтиш жараёнида энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим олиниши лозим. Шунга қарамасдан Ромитан тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларидан рўйхатдан ўтказишда ортиқча маблағ ундириш ҳолатларига йўл қўйилган. Масалан, ромитанлик О.Азимов юридик шахс бўлмасдан, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни четдан олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказишни сўраб, мурожаат қилганда ундан 56.080 сўм ўрнига 151.448 сўм ундирилган.

Шунингдек, фуқаролар У.Қурбонов ва С.Эргашевдан ҳам, улар юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни четдан олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтаётганда, ҳар биридан 81.120 сўмдан ортиқча пул маблағи ундирилиб, қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилган.

Адлия бошқармаси томонидан тегишли



муассасаларга аниқланган қонунбузилишларни бартараф этишга қаратилган 16 та тақдимнома киритилди, 6 та маъмурий баённома судларга юборилди. Бундан ташқари тадбиркорлар фойдасига мансабдор шахслардан моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида судларга 7.315.694 сўмлик 83 та даъво аризаси киритилди. Қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида эса назорат ва хизмат кўрсатувчи идораларга 38 та огоҳнома ва 14 та кўрсатма тақдим этилди.

Ҳеч кимга сир эмаски, юртимизда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган тадбиркорлик субъектларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар.** Бу ҳаққоний талаб барчадан қонунга қатъий риоя этишни, мавжуд камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишда саъй-ҳаракат кўрсатишни тақозо этади.

Нурулло ИБРАГИМОВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Iftixor

Эзгу ният юксак самара беради

мустақиллик йилларида бу ҳақиқат ўз исботини топди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Халқаро ҳуқуқий асослар — инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик, халқаро шартномаларга қўшилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидир. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз аксини топган.

Шу билан бирга инсон манфаатларига қаратилган ижтимоий дастурлар орқали мамлакатимизда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Изчил амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад битта — мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратишдир. Иқтисодий ўсишнинг илдам суръатларига эришилаётгани, улкан бу-



нёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида бой тарих ва меросимиз қайта тикланди. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ал-Мотуридий, Ал-Марғиноний, Ал-Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Жалолиддин Мангуберди, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Соҳибқирон Амир Темур каби ўнлаб улуғ аждодларимизнинг, собиқ шўро даврида ноҳақ қатағон қилинган юзлаб ватандошларимизнинг номи ва хотираси қадр топди. Юртимиз пойтахти Тошкент шаҳри 2007 йили Ислом маданиятининг маркази сифатида эътироф этилди. Мустақиллигимиз ҳақида ўйлар эканмиз, қалбимиз, ҳеч шубҳасиз, фахр-ифтихор туйғуларига тўлади. **"Шу азиз Ватан — барчамизники"** деган ғурур ҳисси юракларимизда туғён уради.

Мустақиллик чиндан-да буюк инъом, муқаддас неъматдир. Ватанимиз байроғининг бугунги кунда БМТ пештоқида ҳилпираб турғани, республикамиз ўз гербига эга эканлиги, бахтимиз Қомуси — Конституциямизда бутун ҳақ-ҳуқуқимиз муҳрлаб қўйилганлиги — Истиқлол неъматидир. Шу нуқтаи назардан мустақиллик бизнинг ор-номусимиз, фахру ғуруримиз, виждон ва иймонимиздир.

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган "Тараққиётнинг ўзбек модели" халқимизни келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга даъват этиб келмоқда. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтиб борилиши, давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги, кучли ижтимоий сиёсат ва қонун устуворлигининг таъминланиши демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида танлаган йўлимизнинг тўғрилигини исботлаб турибди.

Мустақилликнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис ҳам ўзига хос муносиб ўринга эга. Айтиш керакки, сўнгги йилларда давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида муайян ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда республикамизда икки палатали парламент самарали фаолият кўрсатмоқда.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ўта муҳим вазифа бўлиб, уни ҳал этиш доимий эътиборни талаб қилади. Бу эса амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ишни давом эттиришни, қонун ижодкорлиги фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни аниқлаш ва уларга барҳам беришни, қонун ижодкорлиги жараёнида амал қилиниши зарур бўлган асосий принципларни белгилаб олишни тақозо этади. Шу боис ҳозирги кунда депутатлар бу масалаларга алоҳида ёндошиш билан бирга Қонунчилик палатасидаги, сиёсий партиялардаги, жойлардаги, кенг жамоатчилик орасидаги фаолият самарадорлигини кучайтиришга ҳаракат қилаётир.

Бунёдкор халқимиз ўз мустақиллигининг 19 йиллик тантаналарига пешвоз чиқмоқда. Ҳамма жойда яратувчилик шижоати ҳукмрон. Истиқлол шуқуҳи, шукроналик ҳис-туйғуси ҳар бир юртдошимиз қалбини ўз нурила ёритиб турибди. Улар эртанги кунга янги орзу-режалар, эзгу ният ва ёруғ умидлар билан боқмоқдалар. Келажаги буюк Ватан фуқароларининг орзу-интилишлари эса, шубҳасиз, ўз самарасини беради.

Насимжон АЛИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Saboq

Муваффақият гарови

қонунга тўлиқ амал қилишдадир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Нодир ўзига ёрдамчи сифатида бош ҳисобчини ишга олди. Унинг вазифаси фақатгина ҳисоб-фактураларга имзо қўйишдан иборат эди. Қолган ишларни Нодирнинг ўзи қойилмақом қилиб бажаришига ақли етарди. Шунинг учун у бош ҳисобчи бўлиб ишга кирган Нина Дамировани ҳисобкитоб ишларига умуман яқинлаштирмасди.

Ишлари юришиб кетган «тадбиркор» Тошкент бозорларини кўздан кечирар экан, имкони борича арзон, лекин фойдаси кўпроқ маҳсулотлар сотилаётган шохобчаларни танлади. Шу ниятда у тегишли ҳужжати ва мувофиқлик сертификати бўлмаган маҳсулотларни 58,668,400 сўм нақд пулга сотиб олди ва 36 та ҳисоб-фактура тўлдириб, хўжалик юритувчи субъектларга улгуржи тартибда сотиб юборди. Яна қўлига тушган мўмай маблағни банкка кирим қилмай, чўнтагига урди. Нодир жиноий ҳаракатларини давом эттириш мақсадида 2009 йил давомида турли ташкилотлардан пул кўчириш йўли билан 31,197,915 сўмлик электротехника, қурилиш ва хўжалик моллари сотиб олиб, бозорга олиб чиқди ва нақдга пуллади. Қўлига тушган маблағни эса банк муассасасига кирим қилмай, яна ўз эҳтиёжи учун сарфлади.

Тегишли ташкилотлар томонидан солиқ ва мажбурий тўловларнинг давлат хазинасига тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан ҳужжатли текширув ўтказилганида Нодирнинг кирдикорлари фош бўлиб қолди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди Н.Комиловнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва бундай ҳолатни қайта такрорламасликка ваъда берганини инобатга олиб, унга энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат қонун назоратидан четда қолмайди. Ҳавойи нафс қутқусига алданувчи кимсалар вақти-соати етиб, албатта, тегишли жазосини олади. Шундай экан, тадбиркорларимиз яратилган кенг имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиш билан бирга қонун талабларига сўзсиз амал қилиш — муваффақият гарови эканини унутмасликлари лозим.

Файзулла АТАБАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судининг раиси

Islohot va samara

Бағрикенглик тамойили

ундан кўнгиллар равшан тортади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Энг ёмони, бундай кўнгилсизлик низолашганларнинг оилалари, яқинлари ўртасига ҳам совуқчилик тушириши мумкин. Аммо бугунги кунда бундай вазиятларга барҳам бериш имконияти мавжуд. Суд-ҳуқуқ соҳасида жорий этилган ярашув институти бунга имконият яратмоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунда суд тизимида ярашув имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан ярашув тўғрисидаги ишларни кўриш амалиёти бўйича жорий йилда ҳам ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Шу ўринда амалдаги қонунчиликка ярашув институтининг киритилиши жиноий ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда самарали восита бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтиришда жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг кенг қўлланилишига ярашув катта имконият яратмоқда.

Фуқаро У. Раманов оилавий келишмовчиликлар сабаб турмуш ўртоғи С. Эгамбердиева билан ажрашган. Шунинг оқибатида у фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судининг 2007 йил 30 майдаги ҳал қилув қарорига асосан, турмуш ўртоғининг қарамоғида бўлган вояга етмаган фарзандлари — Сабоҳат ва Розанинг моддий таъминотини тўлаши лозим эди. Аммо оталик масъулиятини батамом унутган Умид 2007 йилнинг июнь ойидан то 2009 йилнинг декабрь ойига қадар жами 2 304 234 сўмлик алимент нафақасини тўлашдан бош тортиб келди. Мазкур ҳаракатлари билан У.Раманов Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган бўлиб, ушбу моддага асосан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланиши лозим эди. Бироқ унинг бахтига жабрланувчи С.Эгамбердиева судга қайта ариза тақдим қилди. Бағрикенглик, кечиримлиликнинг ёрқин намунаси бўлган ярашув институти сабаб келтирилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги ва ўзаро келишувга асосан суд айбланувчига нисбатан жазо тайинлашни лозим топмади.

Яна бир мисолга эътибор беринг. Айбланувчи Қ. Собировнинг суд ҳукми билан жазога тортилишига ҳам бир баҳя қолди. Гап шундаки, ён қўшниси Ж. Султонов билан айтишиб қолган Қаҳрамон жаҳлига эрк бериб, куч ишлатди. Натижада Ж.Султоновга, суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасида қайд этилганидек, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказди. Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликда гумон қилиниб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган бир пайтда жабрланувчи айбланувчи билан ўзаро ярашганлиги сабабли жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб қайта ариза тақдим қилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, қонунларимизда ўз ифодасини топган халқимизнинг кечиримлилик, мурувват кўрсатиш, тўғри йўлдан тойганларни суяқдай инсонпарварлик тамойиллари неча-неча кишининг кўнгилларига ёруғлик олиб кирмоқда.

К.МУХАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг судьяси
Акмал ТОЖИМУРОД ўғли,
«Куч — адолатда» мухбири

Taassuf

Шахсий мулк

унга тажовуз қилиш жавобгарликка олиб келади

Амалдаги қонунларга мувофиқ, мулкка нисбатан тажовуз қилиш тақиқланади, бундай хатти-ҳаракатни содир этган шахс белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Агар мулк, пул ёки қимматбаҳо қоғоз муайян ташкилотлар ёки хусусий шахслар ихтиёрига келиб тушиши лозим бўлса-ю, лекин айбдор уларни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириб олиш мақсадида ўзида сақлаб юриб, зарар етказса, Жиноят кодексининг 170-моддасига асосан, етказган зарар учун жавобгар бўлади. Ушбу турдаги жиноятлар ўзига хос хусусиятлари, содир этилиш усуллари билан ижтимоий хавфлилиги юқори бўлган жиноятлар туркумига киради.

Шу ўринда бир мисолга эътибор қаратсак, Равшан Абдуллаев (исм-шарифлар шартли) 1983 йилда Шаҳрихон туманида туғилган. У илгари бир неча марта жавобгарликка тортилганига қарамай, яна жиноятга қўл урди.

У таниши Бахтиёр билан учрашиб, жиноий режа тузади. Режага кўра, ҳамтовоқлар Қипчақўрғон қишлоғида жойлашган, Малик Бобоевга қарашли чойхонага яширинча кириб, қурилиш материаллари сақланаётган хонадан 20 та синтетик қопдаги 270 000 сўмлик цементни ўғирлаб кетишди. Юкни машинага юклашаркан, Равшан ҳайдовчини «Бу бино ўзимизга қарайди, қурилишдан цемент ортиб қолди, шуни сотишимиз керак», деб алдайди. Топган харидорга ҳам худди шу баҳонани рўкач қилган Равшан билан Бахтиёр ўғирлик молни 200.000



сўмга сотиб юборишади...

Тезкор қидирув ишлари натижасида жиноятчилар қўлга олинди. Суднинг қонуний ҳукми билан айбдорларга Жиноят кодексига мувофиқ, жазо тайинланди, жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган зарар ундирилди.

Маълумки, ҳар қандай жиноий қилмиш жамиятдаги тинч, барқарор вазиятга дахл қилади. Шу боис ҳам демократик ҳуқуқий давлатда фуқароларнинг манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўймаслик учун жиноятчиликка қарши қатъий кураш олиб борилади. Бу жараёнда эса жамоатчилик, айниқса, маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти катта натижалар бериши шубҳасиздир.

Нозимжон ПАРПИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон тумани судининг раиси

Jinoyatga jazo — muqarrar

Бурч ва

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Афсуски, беш бармоқ баравар бўлмагани каби айрим фуқаролар ўзларининг жамият олдидаги бурчларини унутиб, даромадларини яшириш эвазига солиқдан бўйин товлашга ҳаракат қилишади.

Адҳам Атоев ***(исм-шарифлар ўзгартириб берилмоқда)*** 1960 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Оилали, уч нафар фарзанднинг отаси. Давлатимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилгач, Адҳамбой ҳам тадбиркорликка қўл урди. Афсуски, унинг бу соҳага биринчи қадами ёлғон билан бошланди. Гап шундаки, 2006 йилда "Камилот грант" масъулияти чекланган жамиятни ташкил этган А.Атоев МЧЖни Бухоро тумани ҳокимлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаб, гарчи ўзи раҳбарлик қилаётган МЧЖга улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун махсус лецензия берилмаган бўлса-да, улгуржи савдо билан шуғулланиш ва шунинг орқасидан мўмай даромад олиш илинжида сохтакорликка қўл уради. Яъни "Камилот грант" МЧЖ номига 119-сонли улгуржи савдо билан шуғулланишга рухсат берувчи қалбаки лицензия тайёрлайди ва уни АТ "Туронбанк"нинг Бухоро вилояти бўлимига тақдим этади.

Хуллас, биринчи қадамдаёқ жиноятга қўл урган «қаҳрамонимиз» ўзини хон, кўланкасини майдон ҳисоблай бошлайди. 2007 йилнинг февраль-март ойлари давомида ушбу корхона орқали жами 575.970.100 сўмлик савдо товар айланмасини амалга оширади. Ва ушбу товар айланмасидан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 17.279.100 сўмлик ягона солиқ тўловларини амалга ошириш имконига эга бўла туриб, тўламаган. Бир сўз билан айтганда, қасддан жуда кўп миқдордаги солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаб келган.

А.Атоевнинг жиноий хатти-ҳаракати сохта лицензия тайёрлаш ва солиқдан бўйин товлаш билангина чекланиб қолмайди. У бир жиноят изи совимасдан туриб, иккинчисига қўл уради. "Камилот грант" МЧЖ орқали пул кўчириш йўли билан бошқа корхоналардан сотиб олинган жами 169.380.000 сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, сотувдан тушган нақд пулларни Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги **"Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори талабларига зид равишда банк хазинасига топширмасдан, бошқа мақсадларда ишлатиб юборган.

Буни қарангки, А.Атоев ўз жиноятларини яшириш, яъни сувдан қуруқ чиқишнинг ҳам турли йўлларини қидиради ва "топади". "Топади", деб алоҳида таъкидлашимизга сабаб, у ўз жиноий қилмишларини хаспўшлаш мақсадида "Камилот грант" МЧЖ фаолиятини тугатишга эришади.

Лекин халқимизда "ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деган нақл бор. Мўмай даромадга ўрганиб қолган А.Атоев "Камилот грант" МЧЖ фаолиятини тўхтатиб, уйида тинчгина ўтира олмайди. У орадан маълум вақт ўткач, аниқроғи, 2007 йилнинг 22 майида Бухоро тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган "Фригат мобайл сервис" ва 2007 йилнинг 29 июнида рўйхатдан ўтказилган "Рамил строй сервис" хусусий корхоналарига Собит Бердиевни раҳбар ва Баҳодир Амриевни ҳисобчи сифатида расмийлаштиради. Ишни эса ўзи юритади.

Афтидан, А.Атоев халқимизнинг "кўза кунда эмас, кунида синади", деган мақолини унутиб қўйган кўринади. Акс ҳолда, у ҳали "Камилот грант" МЧЖда содир этган жиноятлари изи совимасдан туриб, яна жиноятга қўл урмасди. Хуллас, у 2007 йилнинг июль-сентябрь ойлари давомида "Рамил строй сервис" хусусий корхонаси орқали 3.681.284.700 сўмлик савдо товар айланмасини амалга ошириб, корхонанинг ушбу фаолияти бўйича давлатга тўланиши лозим бўлган жами 117.027.900 сўмлик ягона солиқ ва бошқа тўловларни тўлашга қобилияти бўлса-да, қасддан тўламайди. Шунингдек, "Фригат мобайл сервис" хусусий корхонаси орқали 1.080.034.000 сўмлик савдо товар айланмасини амалга ошириб, корхонанинг ушбу фаолияти бўйича тўланиши лозим бўлган 33.253.800 сўмлик ягона солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан тўламасдан, навбатдаги жиноятни содир этади.

А.Атоевнинг "фаолият"и шу билан ҳам чекланмайди. У "Рамил строй сервис" хусусий корхонаси орқали пул кўчириш йўли билан бошқа корхоналардан сотиб олинган жами 1.288.458.000 сўмлик ва "Фригат мобайл сервис" хусусий корхонаси орқали бошқа корхоналардан пул кўчириш йўли билан харид қилинган 350.033.700 сўмлик маҳсулотни нақд пулга сотиб, нақд пул тушумларини банкка топширмасдан, ўз мақсадлари йўлида ишлатиб юборган.

Farmon va ijro

Яшаш ҳуқуқи — дахлсиздир

миллий қонунчилигимизда бу тамойил ўзининг аниқ ифодасини топган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш билан боғлиқ муҳим масала, яъни Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинганига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2005 йилнинг 1 августида қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги Фармонга беш йил тўлди. Тарихийлик нуқтаи назардан жуда қисқа муддат ҳисобланган бу даврда мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори янада ортди, айниқса, ривожланган давлатлар томонидан Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимининг янгича мазмун-моҳият билан бойигани, амалга оширилган ислоҳотлар либерал-демократик хусусият касб этгани эътироф этилди.

Маълумки, ўлим жазосидан воз кечиш билан боғлиқ масала аста-секинлик билан ҳал этилди. Ёдингизга бўлса, давлатимиз раҳбари 2005 йилнинг январь ойида, яъни икки палатали парламент фаолият бошлаганидан кейинги биринчи қўшма мажлисдаги маърузасида ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ таклифни билдириб, шундай таъкидлаган эди: «Ушбу масала етилиб келмоқда ва уни ҳал қилиш лозим, лекин бунинг учун, фикримизча, камида икки-уч йил вақт керак».

Шундан сўнг ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни яратиш мақсадида Президентимизнинг Фармони қабул қилингани моҳият-эътибори билан жамиятимизда тарихий воқеа бўлди.

Шахс, жамият ва давлат муносабатларида ўзаро уйғунлик муҳити яратилгани, айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан амалга оширилган тизимли, кенг қамровли изчил ислоҳотлар бунга кенг йўл очди. Айтиш керакки, ўлим жазосидан воз кечишнинг юридик жиҳатдан муҳимлиги шундан иборатки, Жиноят кодексининг 42-моддасида акс этган «жазонинг мақсади айнан маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олишдир» деган талабни рўёбга чиқарилишига тўлиқ эришиш ҳам назарда тутилди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг «Ўлим жазосини бекор қилиш ўта мураккаб масала бўлиб, чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, биринчи навбатда, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш лозим», деган фикрларини алоҳида эслаш жоиз. Айнан мазкур талаб Президентимизнинг Фармонида қайд этилган бўлиб, 2005-2007 йиллар давомида ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, тарихшунос, руҳиятшунос, диншунос олим ва мутахассислар, шунингдек, халқаро экспертларни жалб этиб тизимли равишда ушбу масала юзасидан тушунтириш ишлари ва кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий — маърифий ишлар амалга оширилди. Ўша жараёнда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш республика Маркази томонидан ҳам ўлим жазосини бекор қилиш юзасидан юртимиздаги барча ҳудудларда аҳолининг фикри ижтимоий сўров ўтказиш йўли билан мунтазам ўрганиб борилди ва ижобий хулосаларга келинди.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, ўлим жазосини бекор қилиш юзасидан бўлиб ўтган қизғин баҳс-мунозаралар натижасида олим ва мутахассислар қуйидаги умумий хулосаларни баён этдилар. Биринчидан, Ўзбекистонда ўтиш даврига хос ижтимоий-иқтисодий долзарб масалалар муваффақиятли ҳал этилди, барқарор иқтисодий ривожланиш аҳолининг турмуш даражасини ўсишига хизмат қилиб, йилдан-йилга уларнинг фаровонлиги ошиб бормоқда; иккинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги, маънавиятида рўй берган туб ўзгаришлар уларни қонунга итоаткорлик ва ҳурмат қилиш руҳида тарбияланаётгани, қонун устуворлиги жамият ҳаётида тоборо чуқур қарор топаётгани; учинчидан, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш юзасидан амалга оширилган профилактик чоралар натижасида оғир ва ўта оғир жиноятларни камайиш тенденцияси кузатилаётгани, аҳоли сони ҳисобидан жиноят содир этиш юртимизда МДҲ орасида ҳамда айрим ривожланган давлатлардагига нисбатан камлиги; тўртинчидан, жиноий жазоларнинг либераллаштириш билан боғлиқ суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятида инсонпарварлик принципини устунлигига эришиш юзасидан ижобий ишлар амалга оширилаётгани; бешинчидан, жиноий жазони қўллашдан кўзланган асосий мақсад ҳар қандай маҳкумнинг ахлоқан тузатишни таъминлаш экани; олтинчидан, мамлакатимизда нафақат халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олингани, балки уларга содиқ экани ва бошқа қатор омиллар эътиборга олиниши лозим экани қайд этилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, икки ярим йилдан ошиқ вақт мобайнида кенг жамоатчиликда ўлим жазосини бекор қилиш юзасидан фикр шаклланганидан сўнг **«Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун билан амалдаги Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят ижроия кодексларига тегишли тузатишлар киритилди ва 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда 2008 йилнинг 11 декабрида **«Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи факультатив протоколга (Нью-Йорк 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»**ги қонунни қабул қилиши ҳам ўлим жазосидан мутлоқ воз кечилганидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Конституциямизнинг 13-моддасига кўра, **Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади**. Зеро, ҳар бир инсонга ҳаёт бир маротаба берилади, яшаш ҳуқуқи ҳар бир шахснинг энг асосий табиий ҳуқуқи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ундан инсонни маҳрум этишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳатто бунга қонун билан ҳам йўл қўйилмаслиги керак. Айниқса, инсоният тараққиётининг бугунгидек глобаллашув жараёнида дунёнинг кўпчилик давлатлари, аниқроғи, дунёдаги 129 давлат ўлим жазосидан воз кечган ва қолганлари ҳам бу жазони бекор қилишни муҳокама қилаётган бир пайтда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан ўлим жазосини чиқарилгани мамлакатимизнинг ривожланган давлат қаторидан аллақачон мустаҳкам ўрин эгаллаганидан далолат беради.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Huquqiy ma`rifat

Гаров нега қўйилади?

Фуқаролик ҳуқуқи тизимида шартномавий муносабатлар муҳим аҳамият касб этиб, шартнома тузилиши натижасида томонлар зиммасига муайян мажбуриятлар юклатилади. Қонунчиликда бу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш чоралари ҳам назарда тутилган.

Жумладан, неустойка, ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалад ва бошқалар томонларнинг шартнома шартларини ўз вақтида, келишилганидек бажаришларини кафолатлаш учун хизмат қилади. Гаров ҳам шундай чоралардан бири саналади. Фуқаролик кодексида гаров қўйиш тартиби ва шартлари баён этилган.

Мухтасар қилиб айтганда, гаров — бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни зиммасидаги мажбуриятларини таъминлаш учун беришидир. Бунда гаровга берган шахс — гаровга қўювчи ва мулкни олган шахс — гаровга олувчи деб аталади. Мулкни гаровга қўювчи шахс қарздорнинг ўзи ҳам, шунингдек, учинчи бир шахс ҳам бўлиши мумкин.

Гаровнинг моҳияти шундаки, мажбурият қарздор томонидан ижро этилмаган тақдирда, кредитор ўзининг талабини гаровга қўйилган мулк ҳисобидан қондириш имкониятига эга бўлади. Гаров нарсаси ҳар қандай молмулк, ашё ёки мулкий ҳуқуқлар (талаблар) бўлиши мумкин. Аммо Фуқаролик кодексининг 267-моддасида, шунингдек, **«Гаров тўғрисида»**ги қонунда назарда тутилган ашёлар бундан мустаснодир. Жумладан, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан, ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ, алиментлар ҳамда бошқа шахсга бериш қонунга асосан ман этилган бошқа талаблар гаров нарсаси бўла олмайди.

Тарихий, маданий ёки ўзгача қимматбаҳолиги туфайли ёхуд давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан гаров қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхати эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

Фуқаролик кодексининг 265-моддасида гаровнинг қуйидаги турлари белгиланган:

а) закалат (гаров нарсасининг гаровга олувчида сақланиши);

б) ипотека (кўчмас мол-мулкнинг гаровга олиниши);

в) мулкий ҳуқуқларни гаровга олиш.

Гаровга олувчилар гаровга қўйилган мулкни тегишли равишда сақлашга мажбур. Гаровга олувчи гаровга қўйилган мулк йўқолса ёки бузилса, бу ўзининг айби билан бўлмаганлигини исботламаса, жавобгар бўлади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, гаровга қўйиш гаров ҳақидаги шартнома билан расмийлаштирилади. Шартномада гаров нарсаси, унинг баҳоси, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати, шунингдек, гаровга қўйилган молмулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги кўрсатилиши керак. Гаров шартномаси ёзма равишда тузилади. Ипотека ҳақидаги шартнома, шунингдек, нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт. Бундан ташқари гаров шартномаси қийматига қараб тегишли адлия идораларида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Гаров шартномаси шакли, уни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги талабларга риоя қилинмай тузилганда ҳақиқий ҳисобланмайди.

Гаров ҳуқуқининг бекор бўлиш тартиби Фуқаролик кодексининг 283-моддасида кўрсатилган. Унга кўра, гаров ҳуқуқи гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганда; гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида; гаровга қўювчи гаров нарсасини алмаштирмаса ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда бекор бўлади.

Қисқача қилиб айтганда, гаров шартномавий муносабатларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Бинобарин, шартнома тузишда ёки ўзаро келишишда мажбуриятларнинг ўз вақтида амалга оширилишига хизмат қилувчи чоралар, жумладан, гаровга қўйиш ҳам эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Абдуғаффор ХОЛИҚОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Чирчиқ туманлараро судининг раиси

Qilmish-qidirmish

Гиёҳвандлик — аср вабоси

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда инсоният ҳаётига хавф соладиган иллатлардан бири гиёҳвандликдир.

Дарҳақиқат, гиёҳвандликнинг оқибатлари жуда аянчлидир. Гиёҳвандликка мубтало бўлган инсон на ўзини ва на бошқани ўйлайди. Унинг учун бир лаҳзалик лаззатдан ўзгасининг заррача қадри қолмайди.

Олтинсой тумани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораси ходимлари томонидан гувоҳлар иштирокида қўлга олинган уч нафар кишини ҳам ўзини ўзи тубсиз чоҳга ташлаган одамга ўхшатиш мумкин. Йўқса, Б.Чориев, Ю.Давлатов ва Қ.Бўриев ҳали қирчиллама ёшда, оилали. Таассуфки, оний лаззат деб ор-номусдан воз кечган бу кимсалар қонунга ҳам зид ишга қўл уришган. Улар фуқаро Б.Каримовга тегишли бўлган «Жигули» русумли автомашинада Қ.Бўриев олиб келган гиёҳвандлик моддасини суюлтириб, билак томирларига қабул қилишаётганда ҳуқуқ-тартибот идораси ходимларидан томонидан қўлга олинган.

Суд айбдорларга жазо тайинлашда уларнинг қилмишидан пушаймонлиги, вояга етмаган фарзандлари борлиги, муқаддам судланмаганлиги ва бошқа жиҳатларни инобатга олди. Суд ҳукми билан судланувчилар: Б.Чориев уч йил, Ю.Давлатов уч йил, Қ.Бўриев эса беш йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, айбланувчиларни жазони ўташ жойларида гиёҳвандлик касалликларидан мажбурий даволаниши ҳам белгиланди.

Б.Бозоров ҳам шундайлардан бири. У Сариосиё тумани деҳқон бозорида дастлабки тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсдан героин, опий ва марихуана гиёҳвандлик воситаларини сотиб олади.

Шундан сўнг орадан бир ой ўтгач, Беҳзод Бозоров героин гиёҳвандлик моддасини кичик ўрамларда қадоқлаб, Т.Қориевга сотади. Маълумотлар асосида ишга киришган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари Б.Бозоровнинг уйини текширишганда турли ўрамларда сақланаётган героин, опий ва марихуана гиёҳвандлик моддалари борлиги аниқланади.

Жиноят ишлари бўйича Олтинсой тумани суди мазкур жиноий иш бўйича тўпланган барча далилларни батафсил ўрганиб чиқди ва судланувчи Б.Бозоровни Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топди. Шунингдек, Б.Бозоровнинг гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий даволаниши ҳам белгиланди.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан мунтазам равишда махсус тадбирлар амалга оширилаётир. Миллий қонунчилигимизда ҳам гиёҳвандликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Жумладан, 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонун гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, амалдаги Жиноят кодексида гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланганлик учун жавобгарлик белгиланган. Олий суд Пленумининг қарорида бу борадиги қонунчиликни тўғри қўллаш бўйича судларга батафсил тушунтиришлар берилган.

Гиёҳвандлик балосига қарши курашишда ҳуқуқ-тартибот идораларига жамоатчилик ҳам бевосита кўмаклашиши лозим, Чунки маълумотларга кўра гиёҳвандлик балосига чалинганларнинг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади. Бу эса ёшларни гиёҳвандликнинг оғир оқибатлари, жумладан, бу иллатнинг турли бедаво касалликларни келтириб чиқариши, оғир жиноятларга бошлашидан бохабар қилиш ишларини янада самарали ташкил этиш лозимлигини кўрсатади. Оилада мукаммал тарбия кўрган, бўш вақтлари мазмунли ташкил этилган йигит-қизлар тўғри ва нотўғрини аниқ-равшан фарқлайдилар. Дунёқараши кенг, ҳар жиҳатдан соғлом ёшлар эса миллатимизнинг эртанги кунида ҳал қилувчи ўрин тутади. Шундай экан, бу масалага ҳар биримиз янада масъулият билан ёндашишимиз лозим.

Ҳасан ДАВЛАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Олтинсой тумани
судининг раиси

масъулият

Устакорликни қарангки, А.Атоев юқорида номлари келтирилган корхоналар фаолиятини ҳам тез орада тугатишга эришган. А.Атоев шу билан ўз жиноий қилмишини тўхтатган бўлса керак, деб ўйлаётган бўлсангиз, адашасиз. «Қаҳрамонимиз» энди Бухоро тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "Даргол Боавишта феникс" ва "Бенфика Зенит люкс" хусусий корхоналарига таниши Зоҳид Зокировни раҳбар ва Раъно Ҳамдамовани ҳисобчи сифатида расмийлаштириб, амалда эса, аввалгидек ишни ўзи юритади. Гарчи ушбу корхоналарга туман ҳокимлиги томонидан ялгуржи савдо билан шуғулланиш учун лицензия берилмаган бўлсада, А.Атоев ғаразли мақсадда 181- ва 182-сонли қалбаки лицензиялар тайёрлаб, АТ "Алоқабанк"нинг Бухоро вилоят бўлимига топширади.

Айнан ана шу қалбаки лецинзиялар орқали 2008 йилнинг феврал-март ойларида "Даргол Боавишта феникс" хусусий корхонаси орқали 1.226.831.500 сўмлик, "Бенфика Зенит люкс" хусусий корхонаси орқали эса 1.343.101.700 сўмлик савдо товар айланмасини амалга ошириб, ҳар иккала хусусий корхона фаолиятидан тўланиши лозим бўлган жами 133.882.200 сўмлик солиқ тўловларини қасддан тўламаган.

Юқорида номи қайд этилган хусусий корхоналар "фаолиятига чек қўйган" «қаҳрамонимиз» учун янги "даромад манбаи" керак эди. Албатта, бунинг учун унга яна янги корхона ва шериклар зарур бўлади. Буни қарангки, бу гал унинг "чақириғи"га Ҳамдам Шарипов "лаббай", деб жавоб берди. Натижада Ҳ.Шарипов ва А.Атоев ўзаро жиноий тил бириктириб, тезда "Амирбек Ситорабону" хусусий корхонасини ташкил этишди ва...

Ва ушбу хусусий корхона орқали ҳам юқоридаги каби миллион-миллион сўмлик савдо товар айланмалари амалга оширилиб, солиқ учун тўланиши лозим бўлган миллионлаб сўмлар жиноий шериклар-нинг чап чўнтагидан жой олади...

Албатта, ҳар қандай қинғир ишнинг қийиғи бир кун чиқади. Жиноятга жазо — муқаррар. А.Атоев ва Ҳ.Шариповнинг ҳам қилмишларининг қийиғи чиқди. Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди айбдорларга нисбатан қонун доирасида жазо тайинлади. Тергов ва суд давомида А.Атоев ва Ҳ.Шарипов ўзлаштиришган, аслида солиқ сифатида тўланиши лозим бўлган маблағнинг маълум қисмини тўлашди. Шунингдек, суд судланувчилар А.Атоев ва Ҳ.Шариповдан солидар тартибда давлат фойдасига 52.238.300 сўм, А.Атоевдан давлат фойдасига 263.448.000 сўм ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Бир четдан олиб қараганда, жиноий хатти-ҳаракатларга чек қўйилди. Жиноятчилар тегишлича жазо олишди. Етказилган зарар қопланадиган бўлди. Шу билан мақолага нуқта қўйсак ҳам бўларди. Лекин...

Лекин биз мақолага нуқта қўйишдан аввал иқтисодчи олимларимиздан бирининг фикрини келтириб ўтишни лозим топдик:

— Солиқ тўловчи солиқ тўлаш жараёнида ўзининг келажагини, ўзи яшаётган мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини таъминлайди, ўз давлатининг юксалишига ҳисса қўшади. Мен солиқ тўлашдан бўйин товлаган кимсани худди ўз уйини урган ўғрига ўхшатаман. Чунки у солиқдан бўйин товлай туриб, ўз келажаги ва ўзи яшаётган жамият олдидаги бурчига хиёнат қилган ҳисобланади.

Бу ўринда ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

Абдулазиз ЮЛДАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Бухоро вилояти
судининг раиси
Ислом ҲАМРО,
журналист

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Отамдан қолган меросни бўлишда ака-укалар келишолмай қолдик. Мен ҳаммага тенг улуш ажратиш керак, десам, тўнғич акам бунга кўнмай, барча мол-мулк фақат ўзига тегишли эканлигини, чунки оилавий анъанага кўра, мерос фақат тўнғич фарзандга тегишини таъкидлаяпти. Айтинг-чи, бундай вазиятда ким ҳақ? Акамнинг даъвоси тўғрими?

К.УСМОНОВ,
Наманган тумани

— Фуқаролик кодексининг 6-моддаси 2-қисмига кўра, фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли меъёрлар бўлмаган тақдирдагина бундай муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналарга асосланилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатда эса суд мазкур иш бўйича акангизнинг даъволарини инобатга олмайди. Чунки мерос муносабатлари Фуқаролик кодексида тўлиқ тартибга солинган, демак, бу ўринда, биринчи навбатда, қонунга таяниб иш кўрилади.

Яна шунга эътибор қаратиш керакки, Фуқаролик кодексининг 1112-моддаси 2-қисмида белгиланганидек, агар васиятнома бўлмаса, ворислик қонун бўйича амалга оширилади. Яъни мазкур кодекснинг 1135-моддасига кўра, биринчи навбатдаги ворислар деб мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинганлар), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тан олинади ва улар тенг улушларда ворислик ҳуқуқига эга бўлишади.

Бинобарин, сиз қонуний ҳақ-ҳуқуқингизнинг таъминланиши сўраб, судга мурожаат этишингиз мумкин.

— Турли сабабларга кўра, хотиним билан ажрашяпман. Биргаликдаги мол-мулкимизни ихтиёрий равишда бўлиб олдик. Аммо иккаламизнинг ўзимиз сотиб олган уйимиз йўқ. Биз яшаган уй эса отамнинг номида. Бундай вазиятда хотиним уй-жойни талаб қилишга ҳақлими?

Ш.РАМАЗОНОВ,
Наманган шаҳри

— Уй-жой қонунчилигига кўра, мулкдорнинг тураржойида рўйхатдан ўтган фуқаролар уйдаги хоналардан фойдаланишда мулкдор билан тенг ҳуқуққа эга. Ушбу қонун талабига мувофиқ, агар турмуш ўртоғингиз отангизнинг номидаги уйда доимий рўйхатдан ўтган бўлса, никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам, ўзига тегишли улушдан фойдаланиши, яъни уйда яшаши мумкин.

Саволларга Наманган вилояти «SOLIDARITY»
Адвокатлар ҳайъатининг адвокат стажёри Нозима ЗОҲИДОВА жавоб берди.

Jinoyat va jazo

Фарзанд — ҳаёт шамчироғи. Инсон улғайиб, оилали, бола-чақали бўлгач, уйимжойим дейди, фарзандлари учун қайғуради, уларни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказиш мақсадида елиб-югуради. Ота-она боласининг оёғига тикан киришидан кўра ўзининг жони қийналишини афзал билади. Ана шундай меҳридарё, фарзанди учун ҳеч нарсани аямайдиган зотлар бўлишади ота-оналар...

Талончининг таҳдиди

Суд очерки

Обид Турсунов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ҳам оилали, икки фарзанднинг отаси. У «болаларим учун ҳар нега тайёрман, уларни жонимдан ортиқ яхши кўраман», дейишни яхши кўради. Эҳтимол, бу гаплар ростдир, юқорида айтганимиздек, қайси ота-она болага ёмонликни раво кўради? Аммо ҳаётда яна бир ҳақиқат борки, ўзининг боласига тикан киришини истамаган одам бошқанинг боласига ҳам ёмонликни раво кўрмайди. О.Турсуновни эса бундай кишилар тоифасига қўшиб бўлмайди. Нега дейсизми?

О.Турсунов, муқаддам бир неча марта ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлари учун суднинг қонуний ҳукми билан тегишлича жазо олган. Амнистия актига асосан жазодан озод бўлганида бундан тегишли хулоса чиқариши лозим эди, албатта.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Сени ҳурмат қилишларини истасанг, ўзингни ҳурмат қил.

* * *

Ҳар қандай киши ҳам ўзи тушунадиган нарсага қулоқ солади.

* * *

Оз бўлса ҳам билмоқ учун кўп ўқимоқ зарур.

* * *

Ҳаракат воситалари унинг натижалари билан қўшилиб кетади.

* * *

Ўйламай гапириш — мўлжал олмай отиш билан баробар.

* * *

Бекорчилик мардликни бошқа барча иллатлардан кўра кўпроқ сусайтиради.

* * *

Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатпарварлигидан нишона.

* * *

Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

* * *

Яхши дўст — туганмас хазина.

Huquqiy savodxonlik sari

Ота-оналик масъулияти ва фарзандлик бурчи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар амалдаги қонунчилик тизимида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Оила кодексининг тегишли бўлим ва бобларида белгиланган қоидалар ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига жиддий муносабатда бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш ҳамда болаларнинг таъминоти масалаларига масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Вояга етмаган болаларга таъминот бериш мажбурияти биринчи навбатда ота-онанинг ўз болаларини моддий жиҳатдан таъминлаш мажбуриятини англатади. Бу мажбурият болани зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, бўш вақтларда ва дам олиш пайтларида болани унинг учун зарур бўлган ашёлар билан таъминлашда ўз ифодасини топади.

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот беришнинг шаклини ўзаро келишиб белгилашга ҳақли. Масалан, боланинг ўз вақтида тўлақонли дам олишини таъминлаш мажбурияти ота-онадан фақат биттасининг зиммасида бўлиши тўғрисида келишиб олишлари мумкин. Вояга етмаган болаларга таъминот беришнинг, шунингдек, ота-она томонидан вояга етмаган ўз болаларини боқиш тўғрисида тегишли битим тузишнинг тартиб ва шаклини белгилаш зарурати уларнинг болалари билан бирга ёки алоҳида яшашларидан, никоҳда турганлиги ёки ажрашиб кетганлигидан қатъи назар, юзага келади.

Ота-она вояга етмаган болаларга таъминот бериш тўғрисида ўзаро шартнома тузиши ҳам мумкин. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда бўлиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Оила кодексининг 96-моддаси талабига мувофиқ, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота ёки онадан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида оила қонунчилигига биноан муайян ҳолларда вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисида даъво қилиш ҳуқуқи ҳомийлик ва васийлик идораларига берилган.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-оналарнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадининг бир бола учун — учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ва оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келгандан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Мазкур шахс низо бўлмаган тақдирда, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, бу ариза буйруқ тартибида иш юритиш тарзида кўриб чиқилади.

Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади. Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилингунга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

Вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун ота-онадан суд тартибида ундириб олинадиган маблағ бола 18 ёшга тўлгунга қадар тўланади. Бироқ алимент олаётган вояга етмаган бола 18 ёшга тўлгунга қадар тўлиқ ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлиб қолса (масалан, 18 ёшга тўлгунига қадар никоҳга кириши туфайли эмансипация юз берса), унинг таъминоти учун маблағ тўлаш тўхтатилади.

Вояга етмаган фарзандларнинг тарбияси, таъминоти ва уларга ғамхўрлик қилиш ҳақидаги мавзунинг иккинчи томони борки, унинг моҳият-мазмуни муҳокама этилаётган масаладан кам эмас. Бу — вояга етган фарзандларнинг меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналари олдидаги мажбуриятларидир. Зеро, ота-она инсоннинг дунёга келишига сабабчи бўлиб, фарзандини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб вояга етказади. Дунёда аслида инсон учун ота-онадан азиз ва меҳрибон киши йўқ. Шу боис ота-онага ҳамма вақт иззат-ҳурматда бўлиш фарзанд учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Афсуски, орамизда ўз ота-онасига нисбатан ёрдамини, инсонийлик бурчини дариғ тутадиган кимсалар ҳам учраб туради. Ҳолбуки, ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Вояга етган меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади. Ота-она алимент ундириш ҳақидаги талабни ўз болаларининг бирига ёки бир нечтасига нисбатан қўйганлигидан қатъи назар, алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

Вояга етган меҳнатга лаёқатли болалардан алимент ундириш низоси узил-кесил ҳал бўлгунга қадар судья шу низо бўйича вақтинча тўлаб турилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб, ажрим чиқариши мумкин. Бунда ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик Жиноят кодексининг 123-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва яратилаётган имкониятлар жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига хизмат қилмоқда.

Раҳима САИДОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг раиси ўринбосари

Муҳаббат — улуғ туйғу. У ҳақда ёзганлар муҳаббатнинг илоҳий неъмат эканлиги, покдомон, буюк қалб эгаларигагина насиб этишини таъкидлашади. Дарҳақиқат, муҳаббат меҳмон бўлган қалб қоғоздай тоза бўлади, бундай киши барчага эзгулик соғинади, дунёнинг гўзалликка тўлиқ бўлишини орзу қилади.

Дунё маънавиятининг улуғ намоёндалари ҳам ўз бошларидан ҳижрон азобларини ўтказишган. Кейинчалик уларнинг севги достонлари кишилар ўртасида афсоналарга айланиб кетган. Қизиғи шундаки, бундай афсоналардан бир томондан кўнгил таскин-тасалли топса, бошқа жиҳатдан улар машҳур кишиларнинг сийратлари ҳақида гувоҳлик ҳам беради. Шу боис газетамизда буюклар муҳаббатидан ҳикоя қилувчи туркум мақолалар чоп этишни режалаштирдик.

Ko`ngil daftari

НИҲОЯСИЗ ҲИЖРОН ҚИССАСИ

Қадимгилар, муҳаббат ҳар доим бир қарашдан бошланади, дейишарди. Тақдирнинг заргарлигими, бу, таърифлаш қийин. Ҳар қалай ғарбда ҳам, шарқда ҳам кўпинча шундай бўлган. 1327 йилнинг 6 апрель куни Италиянинг Авиньон шаҳрида ўн тўққиз ёшли бир аёл бир қарашда йигирма уч яшар бўйдоқ йигит — Франческони ўзига ром этади. Ёноқлари оқ ва тиниқ, сочлари оқ-малла, сарвқомат, кўзлари тун сингари қора бу аёл парво қилмай ўтиб кетди, Франческо эса ўзи ҳам билмай унга эргашди... Йигитнинг кўзлари ёлғиз малоҳатли дилбарни кўрар, уни теварак-атроф заррача чалғитолмасди. Гўзал маҳбуба ҳашаматли ҳовлига кириб кетгандагина ўзига келгандай бир жойда туриб қолди. Бегона дарвоза олдида лолу ҳайрон турган бу йигит — бўлажак буюк итальян шоири, Уйғониш даврининг энг машҳур намояндаси Петрарка эди.

Франческо Петрарка 1304 йил 20 июнда Ареццо шаҳрида туғилди. Отаси флоренциялик нотариус бўлиб, «оқлар» фирқасига мансуб бўлгани сабабли, худди Дантелар оиласи каби, Флоренциядан қувилган, Тоскананинг турли шаҳарларида оворai сарсон юра-юра охири шу кичик шаҳарда қўним топганди. Франческо тўққиз ёшга тўлганда Авиньонга, сўнгроқ онаси билан Францияга қарашли қўшни Карпантрага кўчиб ўтишди.

Франческо ўн беш ёшида мактабни битиргач, отасининг хоҳиши билан олдин Монпельеда, сўнг Болонья университетида ҳуқуқшунослик сирларини ўргана бошлади. Отасининг вафотигача (1326 й.) шу ерда яшади ва университетни битказди. Аммо адлия соҳаси уни ўзига тортмасди, йигитнинг қизиқиши борган сари классик адабиётга ортиб борарди.

Шу тариқа Франческо Петрарка ҳуқуқшунос бўлмади, тирикчиликни бир амаллаб ўтказиб туриш учун руҳонийлик амалларини бажара бошлади. Унга отасидан улуғ Вергилий асарлари мерос бўлиб қолганди. Авиньондаги папалик саройига ишга кириб, оз вақт ичида руҳоний унвонини олди, шу йўл орқали Рим ҳаётида катта ўрин тутган қудратли Колонналар аймоғи ҳамда кардиналнинг укаси билан яқинлашди. Бу Колонналарнинг аъзоларидан бири Жакомо, Петрарканинг университетдаги сабодош дўсти эди.

Мана, орадан бир йил ўтганда шу қизни кўриб, лолу ҳайрон турибди. Ниҳоят, Франческо Жакомонинг олдига ошиқди. Жакомо қизнинг кимлигини билиб берди: у шу ерлик катта бир оқсуяк зодагон де Новнинг хотини, ўн беш ёшида турмушга чиққан, икки боланинг онаси Лаура де Нов экан.

Франческо икки ўт ўртасида қолганини сезди. Бир томондан, руҳоний бўлгани учун, уйланишга ҳақли эмас, иккинчи томондан, ўзи имонли-эътиқодли инсон бўлгани учун, ўзганинг никоҳига доғ туширишни истамас эди.

Изтироблар Петраркани Авиньондан бош олиб кетишга мажбур қилди. У Франциянга қарашли Воклюз сувлари ёнидаги бир уйда ёлғиз яшай бошлади. У тонг отар-отмас ўрнидан туриб, кулбасидан чиқарди. Боғдаги дарахтларнинг ялпоқларида катта-катта томчилар ялтирар ва худди кимдир майда олмос парчаларини сочиб юборгандай кўринарди. Тонгги тезоқар Сорганинг шовуллаши қулоққа аниқ-тиниқ эшитиларди. Қушларнинг сайроғи ва қўзилар маъраши бўлажак шоирни ҳайратга соларди.

Петрарка бу ерда уч йил яшади. Бу орада гўзал Лаура ҳақида юзлаб сонет ёзди ва шуҳрат қозонди. Унинг шеърларида Лаура иффатли, олмосдай мустаҳкам, тоғдай виқорли қилиб тасвирланарди. Шаънига битилган мадҳияларни, ҳеч шубҳасиз, Лаура эшитган, аммо аёллик шаъни ундан эътибор бермасликни тақозо этган. Шу тариқа шоир, севги — эҳтиросларнинг ичида энг аёвсизи ва ҳамма бахтсизлар ичида энг бахтсизи севилмаган одам эканлигини англаб етди. Шунда у саёҳатга отланди, Шимолий Франция, Фландрия, Олмония ва Римга борди. Аммо буларнинг бари таскин излаш эди, чунки Франческо ҳамон ҳаловат топмас, Лаурага бўлган тоза муҳаббати кучайса кучайгандики, асло сўнмаганди.

У 1337 йилда севимли маскани Воклюздан ер-мулк сотиб олди. Шу ерда ижод қилиб, энг яхши шеърларини ёзди ва унинг шуҳрати шу даражада ортдики, 1341 йили 8 апрелда унга Рим капитолийсида дафна тожи кийгазиш маросимини ўтказишди.

Аммо Лаурани илк бор кўрганига роппа-роса 21 йил тўлган кунда, яъни 1348 йил 6 апрелда, ўша Авиньоннинг ўзида Лаура вафот этди.

«Ҳаётининг тиниқ нури сўнибди, мен бу пайтда, эвоҳ, ўз қисматимдан бехабар, тасодифан Веронада эдим, дўстим Людовиконинг хати орқали бу машъум хабар менга 29 май куни эрталаб етиб келди. Унинг покиза ва гўзал жисми ўша куни кечқурун францисканларнинг ибодатхонасида тупроққа қўйилган. Жони ўз ватанига, самога қайтган... Бундан бу ёғига энди ҳеч ким менга таскин беролмайди», — деб ёзади Петрарка.

Лаура вафот этганда 11 боланинг онаси ва 40 ёшда эди. Петрарка эса бу мангу айриликдан сўнг яна ўн йил сонет ёзди. Сўнгра унга бағишланган ҳамма шеърларини тўплаб, «Концоньере» («Қўшиқлар дафтари») номли китоб тайёрлади. Шоирнинг ҳаёти иккига бўлинганди — китоби ҳам шундай икки бўлимдан иборат бўлди: биринчи қисм «Мадонна Лауранинг ҳаётига», иккинчи қисм «Мадонна Лауранинг ўлимига» деб аталарди.

Ўша йил, ўша ой ва ўша фасл
Тангри сийлаган он эди ўша он.
Мени бир сийлаган бу
ёруғ жаҳон,
Мени қора кўзлар
этганди асир.

Лаурани учратган кунини шундай эслайди шоир. Сонетнинг кейинги бандида севги изтироби ҳам Тангрининг марҳамати деб эътироф этилади. Петрарка муҳаббатнинг қувончларини эмас, азобларини мадҳ этади, ахир, муҳаббат ўз юрагига қарашни, ўз қалбини кўришни ато этди-да!

Петрарка умри давомида фақат итальян тилида эмас, лотин тилида ҳам шеър ва рисолалар ёзди. Ўз умри баёнини, фалсафий қарашларини ёрқин акс эттирувчи талай китоблар битди. Аммо унинг шоҳ асари, албатта, «Концоньере»-дир. Чунки Петрарканинг Лаурага бўлган соф ва тиниқ муҳаббати ҳамон ошиқ қалбларни ҳаяжонга солади, севги деган сирли туйғунинг беқиёс куч-қудратидан дарс беради.

Миразиз АЪЗАМ

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга оид қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда,

Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари	
1	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371	232-43-91 232-45-40
2	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚ Департаменти	Код: 8371	233-84-20
3	Андижон вилояти прокуратураси	Код: 8374	224-06-09
4	Бухоро вилояти прокуратураси	Код: 8365	223-74-79
5	Жиззах вилояти прокуратураси	Код: 8372	226-09-62
6	Қашқадарё вилояти прокуратураси	Код: 8375	221-07-82
7	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361	222-26-39
8	Навоий вилояти прокуратураси	Код: 8436	225-07-17
9	Наманган вилояти прокуратураси	Код: 8369	226-23-02
10	Самарқанд вилояти прокуратураси	Код: 8366	235-07-34
11	Сирдарё вилояти прокуратураси	Код: 8367	223-38-22
12	Сурхондарё вилояти прокуратураси	Код: 8376	223-20-36
13	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371	273-74-81
14	Тошкент вилояти прокуратураси	Код: 8371	277-76-18
15	Фарғона вилояти прокуратураси	Код: 8373	224-04-80
16	Хоразм вилояти прокуратураси	Код: 8362	227-45-71

Бундан ташқари барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган. Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Jinoyat va jazo

Талончининг таҳдиди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Таассуфки, бу кимса тағин жиноятга қўл уриб, суднинг қора курсисида бош эгиб ўтирибди. Яна бир неча дақиқалардан сўнг суд ҳукми ўқилади. Эҳтимол, айни дамда О.Турсуновнинг кўз ўнгидан яқинлари — муштипар аёли, икки нафар гўдаги ўтаётгандир, ўзича уларга ачинаётгандир, «Эҳ, нега бундай қилмишга қўл урдим?! Энди болаларимга жабр бўлади, хотиним рўзғорни қандай эплайди?» — дея надомат чекаётгандир. Бироқ бу кимсанинг кўнглидан «Болаларинг сенга қанча азиз бўлса, бошқалар учун ҳам болалари шунчалик бебаҳодир. Худди шундай Санжар ҳам бировнинг суюмли фарзанди. Унга азоб берганингда болаларинг кўзингга кўринмаганмиди?» — деган ўй ўтмади. Йўқса, бу кўргиликлар рўй бермасди.

...Обид Турсунов айни тоғни урса талқон қила оладиган қирчиллама ёшда. Унинг тенгдошлари ҳаётдан ўз ўрнини топиб, фарзандлари даврасида меҳнатининг ҳузурини кўраётган бир паллада у нопок йўлни танлади. О.Турсунов 2009 йилнинг 9 августида қинғир ниятни кўнглига тукканча, Бухоро шаҳридаги «Карвон бозори»ига йўл олди. Қараса, турли-туман киракаш машиналар қатор турибди.

Обид ҳам «Нексия»лардан бирининг ҳайдовчисига рўпара бўлди:

— Газли шаҳрига олиб борасизми?

— Албатта, ака, ўтиринг, марҳамат, — деди ҳайдовчи йигит Санжар.

«Нексия» йўлга тушди. Обид Жондор туманидаги «Мохонкўл» мавзесига етганда ҳайдовчидан чап томондаги «Хўжаёбон» зиёратгоҳига киришни буюрди. Шу ерда у қабиҳ мақсадини амалга оширишни кўзлаган эди.

У дастлаб Санжарнинг қўлини боғлаб қўйди. Сўнг жим ўтирмаса, ўлдиришини айтиб, пўписа қилди. «Энди пул мени излаб келади. Ўғлининг тутқундалигини эшитган ҳар қандай ота қўйган шартимга рози бўлади!» — деб ўйлади О.Турсунов. Шу ниятда Санжарнинг отаси Худойберди Гулиевга қўнғироқ қилди:

— Ўғлингиз керак бўлса, 5000 АҚШ доллари тайёрланг. Тўғри, у ҳозир соғ-саломат, аммо шартимни бажармасангиз, ундан айрилдим, деяверинг!..

* * *

Фарзандининг ҳаёти хавф остида қолганлигини эшитиб, табиийки, отанинг ҳуши бошидан учди. Аввалига нима қилишини билмай қолди, сўнг иккиланмай қонун ҳимоячиларига мурожаат этди. Тезкор тергов-суриштирув гуруҳи ишга тушди.

Гувоҳ Гулиев Худойберди: — 2009 йил 9 августда ўғлим Санжар уйга келди-да, Газли шаҳрига кетаётганини айтиб, қўл телефонини олди. Санжарни кузатгани чиққанимда, машинада нотаниш бир киши ўтирганди. Орадан бир соатлар ўтгач, қўнғироқ бўлди. Бир киши Санжарнинг тутқунда эканлигини, агар пул беришмаса, ундан айрилиб қолишимизни, мабодо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни хабар қилсак, ўғлимизни бошқа кўрмаслигимизни айтиб қўрқитди. Мен ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилдим. Ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари Обид Турсуновни ушлаш мақсадида, махсус 5000 АҚШ доллари тайёрлашди. Эртаси куни Обид яна қўнғироқ қилиб, пулни қачон, қаерга олиб келишимни тушунтирди. Ички ишлар бўлими ходимлари ҳамроҳлигида айтилган жойга бордик. Обид пулни олмоқчи бўлганда шубҳаланиб, қочиб кетди.

Ўғлимни ярим тунда Газли йўлида ҳушсиз ҳолда топдик...

* * *

Талончи О.Турсунов Санжарнинг қўл телефонини тортиб олгач, қонун ҳимоячиларидан қўрқиб чўлга қочиб кетади. Сўнг эртасига эрталаб Бандбоши қишлоғидаги уйига етиб келади. Ички ишлар ходимлари уни шу ерда қўлга олишади.

Суд ҳукми ўқилди. Судланувчи О.Турсунов қилмишига яраша Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жазоланадиган бўлди.

Кекса кишилар дуо қилса, юртга тинчлик-осойишталик, хотиржамлик, барака тилашадай бир томонида бехавотирлик, таҳлика, бошбошдоқлик ҳукм сураётган бир паллада юртимиздаги осойишталикка ҳавас қилса арзийди. Табиийки, бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Ана шундай паллада О.Турсуновга ўхшаш кимсанинг киши ҳаётига тажовуз қилмоқчи бўлгани унинг тинчлик қадрига етмаганини, буни англашдан ожиз эканини кўрсатади. Йўқса, бировнинг ҳаётига дахл қилиш нафақат қонунларимизда тақиқланади, балки миллий қадриятларимиз ҳам ўзгага озор бермоқни қоралайди. Бинобарин, О.Турсунов қонун олдида ҳам, эл-юрт наздида ҳам айбдордир.

Бобир СОБИРОВ,
Бухоро вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи
Ҳасан ҚУРБОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Жондор тумани судининг раиси
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Алибек ЭРГАШЕВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-718. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 7204. 1 2 3 5 Топширилди: 22²⁰